Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 30-iyul № 92 (2973) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Ҳикмат**

*Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдек муқаддас, саждагоҳдек пок ва улуғ бўлмоғи керак.*

Ислом КАРИМОВ

*Улуғ мақсадлар сари*

# Уюшқоқлик, ташаббускорлик ва меҳр-мурувват билан

***Истиқлол берган тенгсиз имконият туфайли Ўзбекистон касаба уюшма ташкилотлари ҳам ўз фаолиятига янгича ёндашган ҳолда ишловчиларнинг манфаатини ҳимоя этишда мустаҳкам позициясини намоён эта бориб, бу борада қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқда. Айни пайтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унинг тизимидаги барча ташкилотлар «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ҳамда ЎзКУФнинг V Қурултойида белгиланган вазифаларни бажариш борасидаги кенг қамровли ишлари билан Истиқлолимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олмоқда.***

## Ҳуқуқий асоснинг такомиллашуви

Бугунги кунда касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг Парламент палаталари қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузасида «Ижтимоий шериклик тўғрисида» қонун қабул қилиш таклифи ўртага ташлангани бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатни бошлаб берди. Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раҳбарияти ва мутахассислари фаол иштирок этди. Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ ташкил этилган 1-эксперт гуруҳи барча таклифлар асосида қайта ишланган Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини Адлия вазирлиги қошидаги Комиссияга тақдим этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишлар якунига етказилиб, кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритилди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган меҳнат муҳофазаси қоидалари ва нормаларини ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш ва жорий этиш Дастурига мувофиқ меҳнат муҳофазаси бўйича 58 та меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаси, жумладан, меҳнат муҳофазасига оид 17 та қоида, 9 та тармоқ бўйича бепул бериладиган махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа индивидуал ҳимоя воситалари нормалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши мутахассислари томонидан кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, саноат хавфсизлигига оид 8 та қоида кўриб чиқилиб, меҳнат муҳофазаси бўйича 24 та меъёрий ҳужжат юзасидан таклиф ва фикрлар билдирилди.

Шунингдек, 7 та қонун ва 4 та меъёрий акт лойиҳалари кўриб чиқилди ва уларга хулосалар берилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили (Омбудсман) томонидан йўлланган 10 та меҳнат низолари юзасидан эксперт хулосалари тақдим этилди.

## Ижтимоий шериклик

Ижтимоий шерикликни ривожлантириш касаба уюшмалари олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Жорий йилнинг 28 февралида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун Бош Келишув имзолангани ушбу соҳада муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Ижтимоий шерикликни ривожлантириш масалаларида Федерация аъзо ташкилотларига мунтазам равишда амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Федерация эксперт комиссияси томонидан ушбу йўналишда 15 та тармоқ ва 7 та ҳудудий келишув лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида ҳамда касаба уюшмалари Федерацияси сайтида 2011 йилга жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсиялар берилди.

Ҳозирги кунда республикада 1 та Бош келишув, 82 та тармоқ (тариф) келишуви, 14 та ҳудудий (минтақавий) келишув, 509 та ҳудудий-тармоқ келишуви, 115215 жамоа шартномаси амал қилмоқда. Касаба уюшмалари аъзоларининг меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 91 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган.

Федерация томонидан давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 2011-2012 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси қабул қилинди. Жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари, Мудофаа вазирликлари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

*Самарқанд деганда ҳар қандай инсоннинг қалбини ром этиб, умрбод ўзига мафтун қилиб қўядиган, бир кўрган одам, қани энди яна бир бор кўрсам, деб орзу қиладиган гўзал ва буюк шаҳар хаёлимизда намоён бўлади.*

Ислом КАРИМОВ

# Сайқали сайқалланаётган Самарқанд



Назира БОЙМУРОДОВА олган суратлар

Рим, Афина, Вавилон каби жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган саноқли шаҳарлар қаторида Самарқанд ҳам муносиб жой эгаллаган. Мустақиллигимиз шарофати туфайли кўҳна диёрда мисли кўрилмаган қурилиш-бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

Саранжом-саришталик остонадан, дейилади. Улкан бунёдкорлик ҳам зебо масканнинг қопқалари бўлмиш аэропорт, вокзал ҳамда автошоҳбекатлардан бошланганди. Олтин қанот учоқлар гўшаси — аэропортга мутлақо янги қиёфа бағишланди. Мазкур қўналға ҳамдўстлик мамлакатлари аэропортлари ассоциациялари ўртасида ўтказилган танловларда саккиз йилдирки, нуфузли ўринни эгаллаб келаяпти. Шинам, озода, хизмат сифати, йўловчиларга яратилган шароит намунали. Бу ерга элтувчи йўллар ораста. Самарқанднинг «ҳаво дарвозаси» орқали ҳозир 2 та халқаро рейс парвозлари йўлга қўйилган. Кейинчалик улар янада кўпаяди.

Шаҳарга ташриф буюрувчиларнинг аксари мамлакатимиздаги энг намунали транспорт тизими — темир йўлдан фойдаланадилар. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик нафақат юртдошларимиз, балки меҳмонлар эътирофига сазовор бўлаяпти. Йўловчиларга янада қулай бўлиши учун 2 млрд. 700 млн. сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада, вокзал бир вақтнинг ўзида 15 минг йўловчи, бир кечакундузда 18 та йўловчи ташувчи поездларни қабул қилиш имконига эга бўлди. Реконструкциядан сўнг вокзал хизматидан фойдаланувчиларнинг ўртача миқдори икки миллион кишидан ошаётганлиги диққатга сазовор. Ҳовлидаги фаввора ва манзара йўл азобидан бир зум чалғиш, ҳордиқ чиқариш имконини беради. Ҳудудда катта ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилган. 4 минг кв.м. майдонга чим ётқизилиб, кўкаламзорлаштирилди.

*(Давоми 3-бетда)*

# Бунёдкорлик ишларимиз

*Мустақилликнинг 20 йиллигига*

*«Андижонни обод ва кўркам гўшага айлантирайлик!» шиори остида ўтказилаётган анъанавий тадбирда вилоятнинг барча туманлари аҳолиси фаол иштирок этмоқда.*

## Ҳам мароқли, ҳам фойдали

Балиқчи туманида бўлиб ўтган ана шундай байрам тадбири ҳар бир қишлоққа кириб борди, десак муболаға бўлмайди. Туман марказида бошланган «Гуллар сайли», «Ҳунармандлар кўргазмаси» каби кўрик-танловларда кўпчилик иштирок этиб, ҳам маданий ҳордиқ чиқардилар, ҳам мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳақидаги мақсадларини янада пишитиб олишди.

Шу куни вилоят ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан кам таъминланган 30 та оиланинг фарзандларига суннат ва никоҳ тўйлари ҳам ўтказиб берилди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Марғилон шаҳрининг Алишер Навоий кўчасида жойлашган миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс маркази ўқув залида Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» мавзусида китоб кўргазмаси ташкил этилди.*

## Кўргазмада истиқлол мавзуси

Унда мамлакатимиз нашриётлари томонидан чоп этилган истиқлол, эришилган ютуқлар, юртимизда юз бераётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ҳақида ёзилган кўплаб китоблар қўйилган.

Кўргазманинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган бўлимидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тадбиркорликка йўл очиб берган қонунлар жой олган.

— Ёзги таътил бўлишига қарамасдан марказимиз ўқув залида ўқувчилар мутолаа билан машғул. Биз уларга етарли шарт-шароитларни яратиб қўйганмиз, — дейди ахборот-ресурс маркази раҳбари Замира Аминжонова.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

*Узун туманида намунавий лойиҳалар асосида барпо қилинаётган уй-жойларни қуришда «Узунмахсусқурилиштаъмирлаш» хусусий корхонаси жамоасининг ҳиссаси катта бўлмоқда.*

## Маҳаллада янги уйлар

Ўтган йил хусусий корхона қурувчилари Обизаранг қишлоғида 15 та уй қуришганди.

Бу борада катта тажриба тўплагани ва бунёд этаётган уйлари сифати билан мижозларга манзур бўлаётгани боис уларга Кичик жончека қишлоғида қурилиши режалаштирилган уйлардан 4 тасини бунёд этиш ишониб топширилган эди. Ҳар бирининг қиймати 74,5 миллион сўмлик уйларни қуришга жамоа феврал ойида киришди. Ўз вақтида қурилиш хомашёлари етказиб турилди. Шавкат Шоймардонов бошлиқ Сайфулла Полвонов, Олим Ҳакимов, Абдуҳалим Беков, Дамин Йўлдошев, Аҳмад Орипов сингари тажрибали бунёдкорларнинг ҳамжиҳатликда меҳнат қилишгани туфайли уйлар қисқа фурсатда қуриб битказилди.

— «Президент уйлари» номи билан воҳамизда довруқ қозонаётган бу шинам турар-жойларга ҳавас қилиб 4 хонали уйнинг бошланғич бадалини тўлаган эдик, — дейди фермер хўжалиги етакчиси Тўйчи Қиличев. — Барака топгур қурувчилар ҳаш-паш дегунча уйимизни биз кутгандан ҳам сифатлироқ қуриб беришди. Хоналар ёруғ, кенг, шинам, яшаш учун ҳамма қулайликларга эга. Ҳовли тўйи Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрамига уланиб кетадиган бўлди

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Қарши туманининг Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Қудратов Санжар Искандарович» кўп тармоқли фермер хўжалигида қишлоқ истеъмолчилари учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият бериляпти.*

## Арзон нархларда

— Икки гектар майдонда деҳқончилик маҳсулотлари етиштирамиз, — дейди фермер Санжар Қудратов. — Эрта баҳорда экилган помидор, бодринг, булғор қалампири ва ҳар хил кўкатлар гуркираб ўсмоқда. 1000 тупдан ортиқ мевали дарахт ниҳоллари экилган. 10 минг товуққа мўлжалланган паррандахона, 120 бош қорамол сиғадиган оғилхонамиз бор. Энг муҳими, қишлоғимизда яшовчи 25 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланиб, етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари фермер хўжалигига тегишли 5 та дўконда арзон нархларда сотилмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

Ishonch
2011-yil 30-iyul № 92 (2973)

# Уюшқоқлик, ташаббускорлик ва меҳр-мурувват билан

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

## Фаровонлик манбаи

Аҳоли бандлигини таъминлаш, иш ўринлари яратиш борасида ҳам касаба уюшмалари кенг кўламли фаолият олиб бораяпти. Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма қарори билан тасдиқланган янги иш ўринларини яратиш Дастури ҳамда жойлардаги давлат органлари томонидан тасдиқланадиган бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ янги иш ўринлари яратилиши устидан жамоатчилик мониторинги ўрнатилган.

Жорий йилнинг олти ойида касаба уюшма фаоллари томонидан 295 корхонада янги иш ўринлари яратилиши ўрганилди. Шунингдек, «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг маблағлари ҳисобидан кичик корхоналар ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш дастур-режаси» тасдиқланиб, жорий йилда 1316 та иш ўрни ташкил этиш белгиланди. Йилнинг ўтган даврида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан Андижон, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 97 та янги иш ўрни яратилди.

## Жамоатчилик назорати

Касаба уюшмалари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бормоқда. Хусусан, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни ундириш масалаларида жойлардаги иш берувчилар, банклар, ижроия ҳокимияти органларига ва ҳуқуқий инспекцияларга мунтазам равишда мурожаатлар қилинмоқда.

Йилнинг биринчи ярмида касаба уюшмалари томонидан юқоридаги органларга 561 та мурожаат тақдим этилиб, кўрилган чоралар натижасида вақтида тўланмаган 13 млрд. 21 млн. сўм ундириб берилди. Шу билан бирга, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларининг вақтида тўланиши бўйича мониторинг олиб борилмоқда.

## Ғамхўрлик

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш касаба уюшмаларининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. 2011 йилнинг 6 ойида жамоа шартномалари ва Келишувлари орқали 14109 нафар фуқаро ва 16589 та оилага 7 млрд. 621 млн. сўмлик ижтимоий кўмак берилгани бу борадаги ишлар кўлами ҳақида тўла тасаввур беради.

Бу ногиронлар, кўп болали оилалар, 2 ёшдан 3 ёшгача боласи бўлган аёлларга, меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиш, корхона ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш, ишловчиларга асосий, қўшимча ва ижтимоий таътилларни узайтириб бериш, ёш болали аёлларга иш вақтини қисқартириш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари олиб бериш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Хусусан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» дастури тадбирларига мувофиқ жамоа шартнома ва келишувлари орқали 448 та корхонадаги 965 та кичик бизнесга тааллуқли кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила вакилларига китоб ва ўқув қуролларига сарфланган маблағнинг 37,5 млн. сўми қопланди. 1412 та кичик бизнес корхонасида эса 3127 та кам таъминланган оилага 201,8 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

## Ёшларга мадад бўлиб

Юртимизда ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Бу эзгу ишдан касаба уюшма ташкилотлари ҳам четда тургани йўқ.

Жорий йил бошида бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшлар кенгашининг III мажлисида муҳим вазифалар қаторида коллеж битирувчиларини «Усто-шогирд» йўналишида иш билан таъминлаш, ёш олимлар билан ишлашда касаба уюшма ташкилотларининг ўрни ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Ёшлар кенгаши қошида 5 та йўналиш бўйича доимий комиссияларни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Федерация Кенгаши Раёсатининг «Усто-шогирд» усулини жорий этилиши борасидаги ишларда Федерацияга аъзо ташкилотлар ва улар қошидаги Ёшлар кенгашларининг фаолиятини янада кучайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан бюджет ташкилот ва корхоналарида амалиёт ўташга бириктирилган коллеж битирувчилари учун касаба уюшма маблағидан энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида, коллежни имтиёзли диплом билан битириб янги ишга жойлашган ходимлар учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам ажратиш белгиланган. Бундан ташқари, амалиёт ўташ учун бириктирилган ўқувчилар ва янги ишга қабул қилинган коллеж битирувчиларини ташкилот ва корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказиш, махсус кийим-бош, махсус пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари, профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлаш каби имтиёзлар жорий этилди.

Касаба уюшмалари томонидан ёшлар ўртасида маънавий ва ижтимоий муҳитни яхшилашга эътиборни кучайтириш мақсадида Тошкент шаҳридаги 32 та олий ўқув юрти ўртасида ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилди. Унда белгиланган чора-тадбирлар асосида кам таъминланган 100 нафар талабага устама стипендия таъсис этилиб, кўзи ожиз 70 нафар талаба махсус плеер ва ўқув қуроллари билан таъминланди. Шунингдек, 40 нафар профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимларни бепул соғломлаштириш учун 84 млн. сўм сарфланди. Бундай ишлар юртимиздаги барча олий ўқув юртлари билан тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ҳам амалга оширилиб, ушбу мақсадларга сарфланган маблағ 56,9 млн. сўмни ташкил этди.

## Маънавият, спорт, соғломлаштириш

Ходимлар ўртасида маданий-маърифий ва спорт ишларини йўлга қўйиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга сазовор.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллик байрами олдидан «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида ташкилий-амалий, маданий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилаяпти. Шунингдек, Истиқлол йилларида эришилган мислсиз ютуқлар ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга етказиш мақсадида меҳнат жамоаларида, санаторийлар, санаторий-профилакторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон», «Ватан — азиз, Ватан — муқаддас», «20 йил ичида биз нималарга эришдик?», «Мустақиллик берган имконият ва неъматлар» каби мавзуларда адабиёт ва санъат намояндалари, олиму ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилди.

Ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат, истиқлол берган имкониятлар, миллий қадриятларга бағишланган мавзуларда давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар қошидаги маданият уйлари, саройлар ва клубларда ташкил этилган болалар бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари ўртасида Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови ўтказилди.

Жорий йил 25 февралдаги Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишининг қарорларида қайд этилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш бўйича 2011 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси» тасдиқланди.

Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар ходимлари ўртасида Республика спартакиадаси ўтказилиб, 1200 нафардан ортиқ касаба уюшмалари ходимлари спортнинг 4 та йўналиши бўйича иштирок этдилар. Қолаверса, 2010 йилнинг якуни бўйича касаба уюшмалари спортининг илғор спортчилари, мураббийлари ва илмий ходимлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Федерация Кенгаши, жойлардаги касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан кам таъминланган оилаларнинг 41 минг 732 нафар вакилига 751 млн. 160 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Жорий йилнинг олти ойида ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 8457 нафар меҳнаткаш санаторийларда, 9744 нафар меҳнаткаш, ходим ва талабалар санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан юртимиз равнақига ҳисса қўшиб келаётган 1750 нафар

ишлаётган меҳнат фахрийлари, кам таъминланган, кўп болали оилалар ишчи-хизматчиларига касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга 10 фоизлик бепул йўлланмалар ажратилмоқда. Шунингдек, Федерация кенгашининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» дастури тадбирларига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 1100 нафар ходими касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда имтиёзли равишда соғломлаштирилди.

ЎзКУФК тасарруфидаги «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи базасида Республика фан олимпиадалари ҳамда «Билимлар беллашуви» танлови ғолиблари бўлган 460 нафар иқтидорли бола учун интеллектуал оромгоҳ ташкил этилиб, касаба уюшмалари ҳисобидан 115,0 млн. сўмлик бепул йўлланмалар ажратилди. Барча оромгоҳлар дам олувчилари ўртасида 2 кунлик «Мустақиллик — менинг тақдиримда» байрам акциялари ўтказилмоқда.

Айни пайтда республика бўйича 789 та, жумладан, 281 та стационар ва 571 та академик лицей, касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактаблари қошидаги кундузги оромгоҳлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда мавсум охиригача 262 минг бола, жумладан, Оролбўйи ҳудудидан 4 минг нафар ўғил-қиз, шунингдек, 4320 нафар тадбиркорнинг фарзандлари имтиёзли асосда соғломлаштирилади.

## Хайрли ишлар салмоғи

Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши умумреспублика тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Бу борадаги факт ва рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, Сурхондарёда «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ўтказилиши муносабати билан «Делфин» сузиш ҳавзаси ҳамда «Алпомиш» стадионини қайта таъмирлаш учун 629 млн., «Ташаббус–2011» конкурсига 4 млн., «Ўзбекистон маданият ва саънат Форуми» жамғармаси билан ҳамкорликдаги тадбирларга 5 млн., «Келажак овози» кўрик-танловига 15,5 млн., Қорақалпоғистон Республикасида аёллар учун янги иш ўринлари яратишга 20 млн., Андижон вилоятида янги иш ўринларини яратиш учун 10 млн., Жиззах вилоятида «Намунали маҳалла» кўриги ғолибларини тақдирлаш учун 10 млн., Республика Велоспорт Федерациясини қўллаб-қувватлаш учун 280 млн. сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

## Оптималлаштириш

Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини янада самарали ҳимоялаш мақсадида касаба уюшмалари қуйи ташкилотларининг таклифлари эътиборга олиниб, фаолияти ҳамда молиявий масалаларда қийинчиликка учраган касаба уюшмаларини оптималлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг 24 апрелида Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмалари, 4 майда Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ҳамда Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмалари, 12 июлда Таълим ва фан ҳамда Маданият ходимлари касаба уюшмаларини бирлаштириш йўли билан қайта ташкил этиш, уларнинг асосида янги касаба уюшмаларини ташкил этиш бўйича таъсис қурултойлар ўтказилди. Ҳудудий бирлашмаларнинг тегишли бўлимларини қўшимча штат бирликлари ҳисобига кучайтирган ҳолда тармоқ касаба уюшмаларининг ҳудудий органларида мавжуд бўлган ҳамда ҳудудий бирлашмаларнинг шу номдаги штат бирликларини такрорлайдиган юристлар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва маданий-оммавий ишлар бўйича мутахассислар лавозимлари қисқартирилди. Ҳудудий бирлашмалар, тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашларининг таклифларини инобатга олган ҳолда юқорида қайд этилган бўлимлар тўғрисидаги Низом ва уларнинг иш тартиби ишлаб чиқилди ва 21 июлда Федерация Кенгаши Раёсатида тасдиқланди. Вакиллик институтини бекор қилиш, унинг ўрнига соҳа хусусиятларини ҳисобга олувчи Кенгашларни ташкил этиш ишлари жорий йилнинг июн ойида якунланди. Федерация Кенгаши ўқув маркази фаолиятини такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув марказида касаба уюшмаси кадрлари ва фаолларини ўқитиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Федерация Кенгаши раёсатининг қарори лойиҳаси тайёрланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси ҳамда Даволаш-профилактика маркази тузилмасини такомиллаштириш юзасидан ҳам талай ишлар олиб борилиб, янги штат жадваллари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Штат бирликлари 25 фоиз, Даволаш-профилактика марказида эса 18,5 фоиз, ҳозирга қадар касаба уюшмалари вилоят органлари аппаратларидаги ходимлар сони 20,8 фоизга қисқарди. 2011 йилда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бериладиган дотация суммаси 2010 йилга нисбатан 23 фоиз камайтирилди. Жараён давом этмоқда.

Марказий аппарат фаолиятини такомиллаштириш мақсадида янги таҳрирдаги «Бўлимлар тўғрисида Низом» тасдиқланиб, штатлар жадвали, ходимларнинг функционал вазифалари, Федерация Кенгаши раҳбарияти ўртасида вазифалар тақсимоти қайта кўриб чиқилди. Федерация Кенгашининг Матбуот хизмати ташкил қилинди ва Веб-сайт яратилди. Федерация тасарруфидаги барча ташкилотларда бу ишлар давом этмоқда.

## Қуйи тузилмалар

Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига услубий ёрдам кўрсатиш, корхона, ташкилот ва муассасаларда уларнинг мавқеини ошириш мақсадида Федерация Кенгаши Раёсатида «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида намунавий Низом» тасдиқланди.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятига доир «Бошланғич ташкилот раислари учун услубий қўлланма»ни тайёрлаш, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида янги Низом асосида тегишли ишлар олиб борилмоқда. Ўрта бўғин касаба уюшма органларининг фикрларини эътиборга олиб, ҳудудий бирлашмалар ва тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ҳудудий кенгашлар, бирлашган қўмиталар фаолиятини мувофиқлаштиришда уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш мақсадида Раёсат тасдиқлаган «Ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри) касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси тўғрисида Низом», шунингдек, Раёсат йиғилишларида касаба уюшмалари фаолиятига оид талай меъёрий ҳужжатлар тасдиқланиб, барча бўғиндаги ташкилотларга етказилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг «Касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолиятини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий йилнинг апрел-июн ойларида Федерация Кенгаши аппарати мутахассислари томонидан Андижон, Бухоро, Наманган вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари фаолияти ўрганилди. Тармоқ касаба уюшмаларининг 30 дан зиёд вилоят кенгашлари, 40 га яқин туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари, 60 дан ортиқ бошланғич ташкилотлар касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича олиб бораётган ишлари кўриб чиқилди ва уларга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

## Фаоллар ўқуви

Жорий йилнинг 21 февралидан 5 мартигача касаба уюшма тизимидаги ҳуқуқшуносларнинг давлат сертификати асосида фаолият юритишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш марказида уларнинг ўқуви, 28 мартдан 1 апрелгача Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Бошқарув институтида касаба уюшма Марказий кенгашлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари раисларининг ўқуви ташкил этилди.

Самарқанд шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари касаба уюшма ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари иштирокида меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этишга бағишланган минтақавий семинар ўтказилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда эса жорий йилнинг феврал-июн ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида маҳаллий давлат органлари раҳбарлари, касаба уюшмалари фаоллари иштирокида «Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари ва инсон ҳуқуқлари» мавзуида минтақавий семинарлар ўтказилиб, уларда 500 га яқин киши қатнашди. Жорий йилнинг биринчи ярмида Федерация кенгашининг Ўқув марказида 537 нафар касаба уюшма ходимлари ва фаоллари ўқитилди.

## ОАВ билан ҳамкорлик

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши тизимида ташкил этилган Матбуот хизматининг иш режаси ишлаб чиқилган. «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, шунингдек, Концепциядан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳаларида касаба уюшмалари олиб бораётган фаолиятдан аҳолини хабардор қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Хусусан, ўтган ярим йилликда Миллий телерадиокомпаниянинг «Ахборот», «Давр» ва «Пойтахт» информацион дастурларида 50 дан зиёд лавҳа ва чиқишлар намойиш этилди. «Ўзбекистон», «Ёшлар», «Машъал», «Тошкент» радиоканаллари орқали касаба уюшмалари фаолияти тўғрисида 80 дан зиёд хабар ва эшиттиришлар эфирга берилди. «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Нурли Жол», «Қишлоқ ҳаёти», «Ҳуррият», «Маърифат» сингари Республика нашрларида 65 та чиқиш қилинди. Айниқса, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида Федерация Кенгаши мажлислари, раёсати, давлат ва жамоат ташкилотлари билан қабул қилинаётган қўшма тадбирлари шарҳини доимий бериб бориш йўлга қўйилган. Жамлаб айтадиган бўлсак, ўтган ярим йилда касаба уюшмалари фаолиятига доир 500 дан зиёд мақола, суҳбат, лавҳа ва хабарлар чоп этилди. Шунингдек, Федерация Кенгашининг интернет тармоғидаги Веб-сайтидан ўрин олаётган мазмун-мундарижаси кун сайин бойитилиб, янгиланиб борилмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда 20 йил давомида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда касаба уюшмаларининг иштироки тўғрисида ҳикоя қилувчи «Касаба уюшмалари Мустақиллик йилларида» номли тўплам нашр этилиш арафасида турибди.

## Бунёдкорлик

Бу ўринда яна факт ва рақамларга мурожаат этамиз. Самарқанд шаҳридаги Федерация тассаруфида бўлган «Ёш туристлар» меҳмонхонасини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига 3 млрд. 43 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, йил охиригача топширилиши режалаштирилган. Навоий вилоятининг Конимех туманидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида 300 млн. сўмлик, Андижон вилоятидаги «Боғи шамол» оромгоҳида 500 млн. сўмлик, Тошкент вилоятида жойлашган «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 5 млрд. 500 млн. сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Болалар оромгоҳларини таъмирлаш ишларига жами 6,3 млрд. сўм йўналтирилди.

Пойтахтдаги «Чинобод санаторийси»нинг сув билан даволаш бўлимини қуриш ва жиҳозлаш учун 4 млрд. 429 млн. сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача 1 млрд. сўмдан ортиқ ишлар бажарилди. Шунингдек, Жиззах вилоятидаги «Зомин» санаторийсини реконструкция қилишга 1 млрд. 150 млн., Тошкент вилоятидаги «Умид Гулшани» санаторийсини реконструкция қилишга 500 млн. сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, бу йўналишда ишлар бошлаб юборилган. Тошкент шаҳар Яккасарой туманида жойлашган 1 минг 340 ўринли «Яккасарой» спорт мажмуасини реконструкция қилиш ишларига 200 млн. сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги «Квадрат» кўли атрофида ёзги болалар дам олиш оромгоҳини қуриш учун 500 млн. сўм маблағ ажратилган. Бундай кенг кўламдаги ишлар салмоғи кун сайин ортиб бормоқда.

Ишловчилар манфаатини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилган Ўзбекистон касаба уюшма ташкилотлари бундан кейин ҳам фаолият кўламини янада кенгайтириб, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашдек эзгу ишни юксак даражада ташкил этиш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Зеро, нуфузли жамоат ташкилотининг бундай хайрли юмушлари мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбирлари**



# Сайқали сайқалланаётган Самарқанд

*Кейинги бир йилда Самарқандда 520 та иншоотда қурилиш ишлари поёнига етказилди. Шаҳардаги янги қиёфага кирган кўча ва хиёбонларда 3500 туп Қрим соснаси, 2500 туп каштан, 2600 тупга яқин бутасимон дарахтларнинг ноёб турлари ўтқазилиб, кўкартирилди. Шаҳар ҳудудидаги жами 127 гектарлик майдонда гулзорлар барпо этилган.*

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Истиқлолимизнинг 20 йиллик байрами арафасида Самарқанд-Тошкент йўналишида қатновчи «Афросиёб» тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилиши йўловчиларга янада қулайлик туғдиради. Шаҳардаги барча автошоҳбекат тубдан янгиланди. Эндиликда «Самарқанд», «Сиёб», «Темирйўл», «Шоҳи зинда», «Хазора» ҳамда «Жума» автошоҳбекати йўловчилар хизматига шай. «Тошкент-Самарқанд» тез юрар автобуси ҳаракати кўпчиликка манзур бўлаяпти.

Истиқлол боис кўҳна Самарқанд кўркам шаҳарга айланди. Сўнгги йилларда биргина йўлсозлик борасида 40 млрд. сўмлик иш бажарилди. Энг аввало, Регистон майдони атрофидаги ўзгаришларга тўхталмасдан илож йўқ. Аждодларимизнинг шаҳду шижоатини теран ҳис қилиш имконини берувчи мўъжаз «Йўлбарслар хиёбони» барпо этилди. Ушбу майдонда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Айни чоғда 2250 туп каштан, Қрим соснаси, настарин, ҳатто лола дарахти ҳам барқ ураяпти. Ҳудуддаги иккита фаввора, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда янги барпо этилган «Регистон» супермаркети шаҳар аҳли ва меҳмонлар хизматида. Айни чоғда «Сиёб бозори» ҳудуди том маънода янгиланаяпти.

Бўстонсарой кўчаси қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бешта кўп қаватли турар-жой, иккита банк биноси замонавий меъморчилик усулида яратилди. Мирзо Улуғбек кўчасидаги 230 га яқин объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Замонавий кўринишдаги катта дўкон аҳоли хизматида. Мирзо Улуғбек расадхонаси мажмуаси эътиборни тортмай қолмайди. Музей биноси расадхона кўринишини эслатадиган шаклда миллий ва замонавий архитектура уйғунлигида қурилди.

Саноатда ҳам юксалиш яққол кўзга ташланмоқда. Бугунги кунда «Эл холдинг», «Пастдарғом саховати», «СамАнтеп гилам», «Сиёб саховати», «Самарқанд автомобил заводи», «Амин инвест интернейшал», ЎзБАТ корхоналарининг хорижга маҳсулот экспорт қилиш салоҳияти ошмоқда.

Аждодлар заковати тимсоли бўлмиш азим диёрнинг бугунги қиёфаси ҳақида қанча гапирсак оз. Зеро, бу ерда истиқлол йилларида амалга оширилган ишларни санаб адоғига етиш мушкул.

### ЙЎЛБАРСЛАР ХИЁБОНИ

Сир эмас, кўҳна Самарқанд миноралари аксарияти пештоқида йўлбарс тасвирига кўзингиз тушади. Буюк бобокалонларимиз феъл-атворини ана шу рамз орқали ифода этган бўлса не ажаб. Бу ўй-ю хаёллар қадимий шаҳарда бунёд этилган. «Йўлбарслар хиёбонини» кезганимизда бот-бот кўнгилдан ўтди.

«Йўлбарс хиёбони». Бу ердан маҳобатли Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари кўркининг таровати янада ёрқинроқ намоён бўлади. Хиёбон жойлашган Тошкент кўчасидаги барча иншоотлар хиёбонга ҳамоҳанглик касб этади.

Самарқанддаги ўзгаришлар нафақат хориж, балки шу заминда яшаётганларни ҳам лол этаяпти, — дейди қўшработлик ижодкор Болтабой Мамарасулов. — Регистон майдонидаги «Йўлбарслар хиёбони»да сайр қилдим. Бу ерга ўтқазилган дарахтларнинг аксарини умрим бино бўлиб кўрмаганман. Шу жойдан эсаётган Самарқанднинг ҳеч ерга хос бўлмаган майин шабадаси киши руҳиятига ўзгача кайфият бахш этади.

Қатъият бобида ҳеч бир жонзот бас кела олмайдиган йўлбарс — азалий тимсол. Истиқлол шарафига бунёд этилган бу бунёдкорлик нафақат ҳудуд аҳли, балки хорижликлар эътирофига ҳам сазовор бўлаяпти.

— Мўъжизавий шаҳарга мафтун бўлдим. Дунёдаги камдан-кам гўшаларда ўтмиш ва келажак уйғунлашувини кузатиш мумкин, — дейди испаниялик сайёҳ Омера Разетти. — Бу диёрдан олган таассуротларимни сўз билан ифодалаш қийин.

— Обидалар зиёратидан сўнг, мозий таъсиридан чиқиш учун бир зум «Йўлбарслар хиёбони»да дам олиш руҳиятни енгиллаштираркан. Бу сўлим маскан менга жуда манзур бўлди, — дейди литвалик меҳмон Дайнюс Радзявичус. — Тан олиш керак, бунёдкорлик бобида улкан қадам ташланаётган юртингизга ҳавасим келди.

**Собиржон ЖАББОРОВ.**
**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Анъанавий «Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ана шундай мўъжизавий хиёбонда сайр этиш имконига эга бўлишади.

# Халқаро касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидан

## Халқаро ижтимоий мулоқот маркази

Молдова касаба уюшмалари миллий конфедерацияси раиси Олег Будза халқаро меҳнат ташкилоти вакиллари билан учрашувида Молдовада Халқаро ижтимоий мулоқот маркази ташкил этилишини маълум қилди.

Унинг сўзларига қараганда, ушбу марказ касаба уюшмалари, ишлаб чиқарувчилар ва ҳукумат органларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилиш, таҳлил этиш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

— Ижтимоий ҳамкорлар мамлакат фуқаролари дуч келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш бўйича режалар ишлаб чиқиш учун Мулоқот маркази доирасида доимий равишда учрашиб туришади. Ижтимоий мулоқотни ривожлантириш нафақат касаба уюшмалари, балки жамоатчилик учун ҳам муҳимдир. Айни пайтда уч томонлама шаклда ўтказилаётган музокараларнинг етарли даражада самарадорлигига шубҳалар мавжуд. Умид қиламизки, марказнинг ташкил этилиши вазиятни яхшилашга имкон беради, — дейди Будза.

Халқаро ижтимоий мулоқот марказининг ташкил этилиши Молдовада касаба уюшмалари ҳаракатини комплекс модернизациялаш тадбирларининг бир қисмидир. Айни пайтда Молдова Миллий Меҳнат институтида Халқаро мулоқот маркази учун замонавий техника жиҳозлари билан таъминланган конференциялар зали қурилиши давом этмоқда.

Молдова Миллий Меҳнат институти касаба уюшма кадрларини тайёрлаш маркази бўлиб, меҳнат муносабатларида ижтимоий шериклик қонуниятларига амал қилиш, касаба уюшмалари ва уларнинг аъзолари ҳуқуқини ҳимоялаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш масалаларига йўналтирилган муассасадир. Институт 1964 йилда ташкил қилинган бўлиб, у мамлакат касаба уюшмаларининг етакчи ўқув-услубият маркази ҳисобланади.

## Қулай меҳнат шароити

Канаданинг Тинч океани қирғоғи портларида меҳнат қилувчи ишчилар саккиз йиллик шартнома тузишга эришишди. Шартномага кўра ишловчи ота-оналар қулай меҳнат шароити ва яхши маош билан таъминланади. Касаба уюшма фаоллари бунга меҳнат шароити барқарорлигини таъминлашдаги янги эра сифатида баҳо беришмоқда. Уларнинг фикрича шартнома аёлларга нафақат ишлашда давом этишга шароит яратади, балки бу соҳага нисбатан аёлларнинг қизиқиши янада ортишига сабаб бўлади.

Шартнома Халқаро транспортчилар касаба уюшмасининг аъзо ташкилоти бўлган Канада транспортчилар касаба уюшмаси (ILWU) ҳамда Британия Колумбияси вилояти иш берувчилари ассоциацияси ўртасида тузилган. Ушбу ҳужжат ота-оналарга фарзанд кўриш ва тарбиялаш, нафақа таъминоти учун қулай шарт-шароит яратади.

— Илк бора порт хизматчиларига фарзанд тарбиялаш учун зарурий шарт-шароит яратилди, — дейди ILWU президенти Том Дюфресн. — Ушбу соҳага кўпроқ аёлларни жалб қилиш учун аллақачон шундай шароит яратиш лозим эди. Эндиликда улар бизнинг соҳада қолиш ва меҳнат қилиш имконига эга бўлдилар. Биз бундай натижага эришиш учун ўн олти ой ҳаракат қилдик ва жамоавий музокараларнинг зарур эканлиги ва уларнинг мамлакатимизнинг Тинч океани қирғоқларида яхши натижалар беришини яна бир бор исботладик.

Шартномага кўра пул қадрсизланишидан ҳимоялаш учун маошга қўшиладиган йиллик қўшимча 3,5 фоиз этиб белгиланган. Дюфреснинг сўзларига қараганда, саккиз йиллик шартнома касаба уюшма аъзолари учун ҳам, иш берувчилар учун ҳам барқарорликни таъминлайди.

— ILWU касаба ушмалари аъзоларининг манфаатлари иш берувчиларнинг манфаатлари билан ҳамоҳангдир. Иш жойларида ишонч ва барқарорликни таъминловчи бундай шартномалар ҳар икки томон учун ҳам бирдай фойдалидир, — дейди у.

## Ишчилар манфаатини кўзлаб




Автошиналар ишлаб чиқарувчи «Goodyear» компаниясининг АҚШнинг Теннеси штатида жойлашган заводида ишлаб чиқаришнинг тўхатилиши завод ишчилари аъзо бўлган Пўлат қуювчилар касаба уюшмаси (USW)да катта норозилик уйғотди. Аввалроқ маъмурият корхонанинг шу йилнинг охиригача ёпилишини маълум қилган эди.

Маълум бўлишича, ишлаб чиқаришни бошқа заводларга ўтказиш жараёнининг кутилганидан тез тамомлангани заводнинг айтилган муддатдан олдин ёпилишига сабаб бўлди. Оқибатда Теннеси ва Кентукки штатининг икки мингга яқин аҳолиси ўз иш жойини йўқотди.

— Заводнинг ёпилишидан биз жуда ҳам норозимиз, — дейди USW президенти Лео Жерард. — Ишлаб чиқарувчилар томонидан ўтказилаётган иқтисодиётни қайта саноатлаштириш жараёнлари оқибатида кишиларга етказилаётган зарар қўламини баҳолаш қийин. Афсуски бундай вазиятда завод ишчилари ва уларнинг оилаларига ёрдам беришнинг имкони йўқ. Шундай бўлса-да, биз уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашишда давом этамиз.

## Ҳақиқат қарор топди

Россия ва Италия Халқаро транспортчилар касаба уюшмаси инспекторларининг биргаликдаги ҳаракатлари натижаси ўлароқ «MSC Iris» кемасида хизмат қилувчи икки нафар россиялик денгизчи яқин кунларда ўз уйларига қайтадиган бўлишди.

Маълум бўлишича, шартнома муддати аллақачон тугаган бўлсада, ўринларига янги ишчилар топилмаётгани туфайли кема маъмурияти денгизчиларни ишдан бўшатишга рози бўлмаган. Шунингдек, шартномадан ташқари ишланган бир ой учун денгизчиларга қўшимча ҳақ ҳам тўланмаган.

Экипаж аъзолари Россия денгизчилар касаба уюшмасига мурожаат қилишгач, муаммо тез орада ҳал бўлди: Халқаро транспортчилар касаба уюшмаси Россия инспекциясининг илтимоси билан ишга уларнинг италиялик ҳамкасблари бош қўшишди. Кема эгаси билан ўтказилган музокаралардан сўнг денгизчиларнинг муаммолари тўлиқ ҳал этилди.

Компания қарорига кўра, россиялик денгизчилар иш ҳақларини тўлиқ олишади ва энг яқин портлардан бири — Бременхафенда кемадан тушиб қолишади. Жамоа шартномасига кўра уларнинг уйгача етиб олишга кетадиган харажатлари ҳам компания томонидан тўланади.

**Аликул ХАТАМОВ**

# Барака топинг!

***Биз истиқомат қилаётган Жума шаҳри ўзига хос тарихга эга. Болалигимдан шаҳримиздаги бир хилликка кўникандик. Ҳатто кўзимизни боғлаб қўйса ҳам марказий бозорни топиб бора олардик. Энди-чи. Бунёдкорликка шу қадар кенг ўрин берилдики, меҳмонларни кўяверинг, ҳатто жумаликлар ҳам бу ўзи бизнинг манзилимизми, дея ҳайрон қоладиган бўлди. Бош режа асосида ички йўллар тўла таъмирланди. Амир Темур номли кўча кенгайтирилиб, бетон ариқлар ўрнатилди. Ёшлар боғи қайтадан қурилди. Марказдаги савдо ва маиший хизмат корхоналари замонавий услубда барпо этилди.***

— Қишлоқлар қиёфасида ҳам катта ўзгаришлар бор. Туманимиздаги Галатут қишлоғида 20 та, Лолазор қишлоғида 80 та намунавий лойиҳа асосида қурилган уйларда фуқароларимиз шукур қилиб яшашаяпти. Айни чоғда яна иккита қишлоқда 30 та ана шундай янги уйлар барпо этилаяпти.

Мустақиллик йилларида ер ўз соҳибларига топширилгач, фуқаролар учун куйинадиган, уларнинг оғирини енгил қилишни шараф деб биладиганлар сони ортди. Мен улардан бири ҳақида озроқ сўзлашни лозим топдим.

Тадбиркор Элибой Таниевнинг тасарруфида 281 гектар ери бор «Унсин момо» номли фермер хўжалигини бошқариб келаяпти. Ўтган йилни жамоа аъзолари 100 миллион сўм фойда билан якунлашди. Етакчи бу пулларни барча шароитлар муҳайё этилган 5 та дала шийпони қуришга сарфлади. Тупроқ йўлларни асфалтлади. Тоза ичимлик суви учун артезан қудуғи қаздирди. Айни пайтда Янгиобод қишлоғидаги 300 ўринли мактаб қурилишига ҳомийлик қилмоқда. Бундай элга меҳрли, юртга садоқатли юртдошларимизга рўбарў келганда, беихтиёр, қўлимизни кўксимизга қўйиб, барака топинг, биродар, деймиз.

**Илаш АБДУЛЛАЕВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари Пастдарғом туман кенгаши раиси**

***Бизнинг Иштихон туманимиз чиройли кишини мафтун қиларлик даражада ўзгариб бормоқда. Жумладан, йигирмага яқин оила истиқлол тантаналари арафасида янги уйларда ҳовли тўйлари ўтказиш тараддудини кўрмоқда.***

# Яратиш завқи

Бу йил туманимиздаги 9 та касб-ҳунар коллежини 3528 нафар, жумладан, Иштихон транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежини 89 нафар ўқувчи битирди. Ишлаш истагида бўлганлари бемалол ўзи истаган иши билан шуғулланиши мумкин. Негаки, бир қатор корхоналар билан олдиндан уч томонлама шартномалар тузиб қўйилган. Хусусан, туман машина-трактор парки жамоаси ўз сафига 25 нафар коллеж битирувчисини қабул қилди. Бошқа талабалар ҳам қаерда ишлашини ёки ўқишни яхши билади.

Шунингдек, ҳукуматимиз яратиб берган шароит боис ишбилармонларимиз ўз ишлаб чиқаришларига асос солмоқдалар. Чунончи, бу йил бир кеча-кундузда 2000 литр маъданли сув ва яхна ичимликларни қадоқлаш имконига эга «Арспол» МЧЖ иш бошлади. Бу ерда 10 киши иш билан таъминланди. Полопон қишлоғида жойлашган «Тойлоқ» универсал корхонаси эса бир кунда 30 минг дона пишган ғишт ишлаб чиқаришни ташкил этди. 65 нафар ёш бу манзилда доимий ишлаш имконига эга бўлишди. Деворбоп ғишт ишлаб чиқараётган «Сайданстрой сервис» хусусий корхонаси ҳам 12 нафар ёшни ўз бағрига олди. Умуман, туманимизда амалдаги йилда 3 та асаларичилик, 7 та паррандачилик, 7 та балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилди. Истиқлол шарофати боис фуқароларимиз ҳар куни бир янгиликка шоҳид бўлишаяпти.

**Бахтиёр ВАЛИЕВ,**
**Таълим ва фан ходимлари Иштихон туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Меҳнат қилиб кам бўлмадик

***Оила ватан ичра кичик ватандир. Ана шу ҳақиқатни фарзандларим шуурига сингдиришга интиламан. Юрт истиқлоли боис тафаккуримиз, дунёқарашимизда кескин ўзгаришлар бўлди. Турмушимиз яхшиланди.***

Серфарзанд оиламиз. 10 сотихли томорқамиз бор. Муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланган ҳолда енгил конструкцияли иссиқхона қурганмиз. Айни чоғда оиламизнинг беш нафар аъзоси томорқа юмуши билан банд. Бир кафт ердан уч мартагача ҳосил оламиз. Ўзимизга яраша маблағ топаяпмиз. Ҳудудда бизга ўхшаб тўкин яшаётганлар кўп.

**Лазиз ЭШОНҚУЛОВ,**
**Нарпай тумани «Чайқал» маҳалласи**

## Миннатдормиз

***Инсон манфаати устувор бўлган мамлакатимизда фуқароларга чексиз ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Аҳолининг намунавий лойиҳадаги замонавий уйлар билан таъминланаётгани бунга яққол мисол. Маҳалламизда 20 та ана шундай янги уй қурилди.***

Оиламиз билан 6 сотих томорқали шинам уйга кўчиб ўтдик. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхонага эга, ҳатто автомобил сақланадиган айвончали янги хонадон оила аъзоларимизга манзур бўлди. Қўни-қўшниларнинг мамнунлигини айтмайсизми. Равон кўчалар, тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланган уйларда яшашнинг гашти ўзгача. Бизга шундай шароит яратиб берган давлатимиздан беҳад миннатдормиз.

**Ҳамида ҚУРБОНОВА,**
**Булунғур тумани Янгиобод маҳалласи**

# Таъминотчи иқтисоди истеъмолчига боғлиқ

**Қарор ва ижро**

**Музработ марказдан анча олисдаги туман. Аммо аҳолига яратилган қулайликлар марказдагидан сира қолишмайди. Масалан, «Навбаҳор» СИУдаги одамлар хонадонларида қишин-ёзин табиий газ ёнишини мамнунлик билан гапирадилар.**

Хонадонларга табиий газ киргач, аҳоли, айниқса, қишлоқ хотин-қизлари учун уй-рўзғор юмушлари анча енгиллашди. Улар ўчоққа, тандирга ўт қалаш ташвишидан қутулишди. Одамлар табиий газга шу қадар ўрганиб қолишганки, бир кун ёки бир соат газ бўлмай қолса, худди бир нарсасини йўқотган киши ҳолига тушиб қолишади.

Туманимизда жами 704,6 километр газ қувурлар тортилган бўлиб, 12525 та хондон ҳамда 125 та улгуржи хизматимиздан фойдаланаётир. 17 нафар назоратчи, 7 нафар муҳандис-техник, 16 нафар чилангар хизмати эвазига 43,1 километр узунликдаги юқори босимли ерости, 89,6 километр узунликдаги юқори босимли ерусти, 75,5 километр узунликдаги ўрта босимли ерусти, 493,7 километр узунликдаги паст босимли газ қувурлари доимий назорат қилиб борилаяпти. Бундан ташқари, мавжуд юқори босимли иситиш қурилмалари, хонадонлардаги газ плиталари, катта-кичик ҳаммомлардаги иситиш жиҳозлари ва 7 та саноат корхонасида ўрнатилган ҳар хил ҳажмдаги газ билан қизитиладиган мосламаларнинг ишлаши ва созлигини текшириб туриш ҳам бизнинг зиммамизда. Натижада, туман учун бир кеча-кундузда ажратилаётган 35 минг куб газ истеъмолчиларга тенг тақсимлаб берилмоқда.

Музработ туманида дастлабки газ қувурлари тортилганига 25-35 йилдан ошди. Айниқса, Навоий номли, «Бешқўтон», «Янгиобод» СИУлар ва «Навбаҳор» СИУнинг бир қисми ҳудудидаги еростидан ўтган қувурлар яроқсиз ҳолга келганлиги туфайли аҳоли хонадонларини табиий газ билан таъминлаш имконияти бўлмай турибди. 2011-2012 йилларда ана шу ҳудудлардаги еростидан ўтган 35-40 километр узунликдаги таъмирталаб бўлиб қолган қувурларни таъмирлаш ва ерустига чиқариш чора-тадбирлари белгиланган. Аммо, шу ҳудудлардаги аҳоли газсиз қолгани йўқ. Корхонанинг махсус машинаси билан 3700 та хонадонга арзон нархда суюлтирилган газ етказиб берилаяпти. Қисман хонадонлар янги газ балонлари билан таъминланган. Аҳолининг яна бир қисмига тегишли эски балонлари қайта кўрикдан ўтказилди. Бошқалари эса ўз вақтида суюлтирилган газ билан таъминланмоқда. Бунда Саидмурод Сафаров ва таъминотчи уста Фарҳод Тўллиевнинг хизмати катта.

Жамоа учун иш етарли. 704,6 километр узунликдаги қувурларда гоҳ газ сизиб чиқиш, гоҳ қувур ёрилиб кетиш ҳолатлари тез-тез содир бўлиб туради. Шу боис кеча-кундуз навбатчиликни жорий этганмиз. Авария содир бўлган нуқталарда ҳамма зарур ускуналар билан жиҳозланган махсус машинада тажрибали уста Худойберди Обидов бошчилигида таъмирловчилар гуруҳи аъзолари носозликларни бартараф этишади.

Таъминотчининг иқтисодини кўтарадиган омиллардан бири, бу — етказиб берилган газ ҳақини истеъмолчилардан ўз вақтида ундиришдир. Бу борада ҳам жамоамиз яхши натижаларга эришмоқда. Бахриддин Муҳаммадиев, Фахриддин Нормуродов, Холбобо Ортиқов сингари участка назоратчиларининг саъй-ҳаракати билан аҳоли ва улгуржи истеъмолчилардан етказиб берилган газ ҳақлари вақтида ундирилмоқда. Бундан ташқари, қарздор ташкилотлар билан ҳам гоҳ огоҳлантириш, гоҳ ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилиш тартибида бўлса-да, қарзларни ундириш чораларини кўраяпмиз. Истеъмолчилардан 2010-2011 йил қиш мавсумида тўланмай қолган қарзлардан 13,2 миллион сўми ундирилди.

Истеъмол қилинган газ ҳақини вақтида тўлашга эришиш учун Халқ банки, туман почта бўлими, ғазна бўлими ва қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам етарлича шароитлар яратилган. Шунингдек, газ ҳақини пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш учун 5 та кўчма терминаллардан фойдаланилмоқда.

**Фарҳод ЖУМАЕВ,**
**«Жанубгазтаъминот» унитар корхонасига қарашли «Музработтумангаз» филиали бошлиғи**

Ishonch
2011-yil 30-iyul № 92 (2973)

**Армуғон**

# Маънавий комилликка йўл

***Байрам нафаси сезилиб турган айни кунларда ҳар бир фуқаро истиқлолимизнинг 20 йиллигини муносиб совға билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Бободеҳқон мўл ҳосил кўтариб, шоир гўзал ашъорлари билан, санъаткор дилрабо куй-қўшиқлари, олиму фозиллар эса янги тадқиқотлар, илмий, бадиий манбалар чоп этиш, шу орқали халқимиз, айниқса ёшлар маънавияти, дунёқараши, миллий анъана ва урф-одатларга ҳурмат, юртга муҳаббат туйғусининг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшиб, тўйга туёна билан чиқишга бел боғлашган.***

Яқинда нашрдан чиққан «Миллий ғурур — маънавий комиллик мезони» (Тошкент «Dizayn-Press», 2011) номли китобни ҳам ана шу эзгу мақсадлар самараси, дейиш мумкин. Бир гуруҳ педагог олим ва тадқиқотчилар — Ю.Маҳмудов, Х.Худойқулов, Э.Холмирзаев, З.Холмирзаев ҳамда Ф.Муқимова ҳамкорлигида дунё юзини кўрган ушбу услубий қўлланмада миллий ғурур, одоб-аҳлоқ мезонлари, ор-номус, ибо-ҳаё сингари тушунчалар моҳияти, инсонни инсон сифатида тутиб турувчи «тирговуч» фазилатлар аҳамияти, долзарблиги ҳақида сўз боради. Ҳар қандай давлат тараққиёти ўша жамиятнинг маънавий камолот даражаси билан ўлчаниши, шахснинг онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлиши тасаввур қилиб бўлмас даражада катта фожиаларни келтириб чиқариши, шу боисдан ҳам юксак аҳлоқ меъёрлари кеча ёки бугун эмас, одамзод яратилгандан буён борлиги, аждодларимизнинг тажрибасида сайқалланиб, аждодлардан авлодларга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётгани таъкидланади. Қаерда маънавий-маданий, маърифий-тарбиявий тадбирлар оқилона йўлга қўйилса, шу ерда жамиятнинг ижтимоий адолат мезонлари жадал ривожланган тарихдан маълум эканига ҳаётий мисоллар келтирилиб, жумладан, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий жамиятнинг уч муҳим жиҳати борлиги, булар: иқтисодий, сиёсий ва маънавий жабҳалар бўлиб, айниқса, маънавий баркамолликка шахсан Президентимиз Ислом Каримов томонидан жуда катта эътибор қаратилаётгани, бунинг бир далили сифатида «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини келтириш кифоялигига алоҳида урғу берилган.

Қўлланмадан ўрин олган «Бозор шароитида маънавият ва одоб-аҳлоқнинг ўрни», «Тежамкорлик — оила фаровонлиги», «Ёшлар орасида нутқ маданияти», «Шахс маънавиятида диёнат ва эътиқоднинг ўрни», «Ватанпарварлик ва инсонпарварлик» каби мавзуларнинг ҳар бири буюк алломаларимизнинг панду-насиҳатлари, ҳикматли байт ва сўзлари билан тўйинтирилган. Улар қаторида яна бир диққатга сазовор мавзу борки, у миллий фахримизга айланган ўзбек курашининг тарихи, бугуни ҳақидаги қизиқарли маълумотларга бойдир. Мана бир мисол: «Курашимизнинг азалий удумларидан яна бири — қадимда бирон-бир элат ёки давлатга ташқи душманлар томонидан таҳдид бўлганда ҳимояга биринчи бўлиб шу юртнинг орини орқалаб полвонлар чиқишган. Вазиятни кўпинча қирғинбарот урушларсиз, яккама-якка кураш орқали ҳал этганлар...»

Шунингдек, «Истиқлол, энг аввало, руҳиятни уйғотди. Мудроқ вужудимизга шижоат бағишлади», — дейилади китобда. — «Бугунги кунда мамлакатимизда янгича бошқариш тизимлари шакланмоқда. Дастлабки пайтларда, агар Ўзбекистон мустақил бўлса, халқи оч қолиб, ўзга давлатларга қарам бўлиши мумкин, — деб «каромат» қилгувчилар ҳам йўқ эмасди. Ўшанда Юртбошимиз ўз халқини омон сақлаб, унга мададкор бўлди. Чексиз меҳр ва талабчанлик билан жамиятни, одамларни бошқариш у учун энг масъулиятли иш бўлди. Натижада, одамлар жамиятда ва ўз ҳаётларида ижобий ўзгаришлар бўлишига ишона бошладилар». Дарҳақиқат, халқимиз кун сайин саринроқ эсаётган ҳуррият шабадасидан баҳраманд бўлиб, ўзлигини англаб, мустақиллик пойдеворини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Шунингдек, муаллифлар камолот тушунчасига ҳам кенг тўхталишган: «Комил инсонлар жамиятнинг виждонлари. Кишилар уларга қараб ҳушёр тортадилар, ўзларига келиб, қалбларига, қилаётган ишларига разм соладилар. Комилларнинг аъмоллари бошқалар дилига қувват, кўзига нур бағишлайди. Комилликнинг белгиси эса ҳақ йўлдан бориб, халққа фойда келтиришдир.»

Аммо ўз навбатида маънавий-аҳлоқий юксалиш билан бирга бир қанча ечимини кутиб турган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, ҳар бир давлатнинг истиқболи, эл фаровонлиги, осойишта ҳаёт тарзининг бардавомлиги бугунги ёш авлод — эртанинг эгалари билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, асосий мақсадимиз фарзандларимизнинг бизданкўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишларига қаратилган. Таассуфки, айрим ёшларда менталитетимизга хос бўлмаган турли ёт унсурлар таъсирига берилиш, фаолиятсизлик, тақлидбозлик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай нохуш манзара ва вазиятларни бартараф этиш учун ҳар бир ёш авлодда ўз юртига нисбатан кучли ғурурифтихор, мана шундай масъуд дамларга шукроналик ҳиссини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Мазкур китоб шундай долзарб масалаларни ижобий ҳал этиш, ҳар томонлама комил авлодни тарбиялаш, маънавий юксалиш йўлида муҳим пиллапоя вазифасини ўтайди, десак, адашмаган бўламиз.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## «Биз — бунёдкор халқмиз» танловига

***«Юрган дарё, ўтирган бўйра» деб бекорга айтишмас экан. Айниқса, ижодкор аҳли учун юрт кезиш кони фойда. Бухорога бордим-у, бир олам таассурот ва ҳайрат билан қайтдим. Очиғи, юртимизнинг ғурури ва фахри бўлмиш Ўзбекистон байроғини матодан тикилган ҳолатда кўп кўргандим-у, аммо тўқилганини кўрмагандим.***

# Лилия опанинг байроқлари



Лилия Шамсиддинова 7 йилдан бери «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бошқармаси қошида фаолият кўрсатаётган ҳунармандлар уюшмаси аъзоси. Айни дамда Бухоро шаҳридаги 32-сонли «Меҳрибонлик уйи» билан ҳамкорликда тарбияланувчиларга ўз ҳунарини бепул ўргатмоқда.

— Мен қўл меҳнати билан шуғулланиб, иплардан турли хил кийим-кечаклар тўқийман, — дейди Лилия Шамсиддинова. — Бир кун хаёлимга миллий байроғимизни ҳам тўқиб кўрсам-чи, деган фикр келди. Аввалига, байроғимиз рамзи туширилган шарф тўқидим. Қарасам, чиройли чиқди. Аста-секин байроқлар ва бошқа буюмлар тўқий бошладим, уларни бозорга олиб чиқдим. Ишим ҳали янгилик бўлгани учун харидорларга ҳам ёқаяпти. Байроқларим — мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига муносиб совға бўлади, деб ўйлайман.

Ҳа, Лилия опа тўғри айтади. Тўйга тўёна билан борган яхши. Бу нафақат бухоролик ҳунармандларга, балки ҳар бир юртдошимизга ярашади.

**Назира БОЙМУРОДОВА.**
**Муаллиф олган сурат**

## Замонавий кутубхона

Ахмад ал-Фарғоний номидаги вилоят ахборот кутубхона маркази жамғармасида 310 минг нусхага яқин китоб сақланади. Кутубхона фонди жорий йилнинг 4 ойида яна 90 номдаги китоб билан бойиди. Бундан ташқари, зиё маскани 105 номдаги газета ва журналларга обуна бўлган. Муассасага қатновчи китобхонларнинг сони эса 20 минг нафардан ортиб кетганлиги ҳам бежиз эмас.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун кутубхоначиликнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш билан бирга, китобхонларимиз учун ҳам қатор қулайликларни яратиб беради, — дейди вилоят ахборот кутубхона маркази раҳбари Дилором Шукурова. — Эндиликда марказимиз тегишли нашрларнинг мажбурий нусхалари билан таъминланади. Ушбу қонунда китоб жамғармамизнинг электрон вариантларини яратишга ҳам кенг имкониятлар берилган.

Мазкур кутубхонада замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш орқали махсус электрон база яратилган. Интернет хизматлари, ахборот алмашинувининг электрон шаклини ривожлантириш бўйича ибратли ишлар амалга оширилди. Электрон каталогда минглаб нашр тўғрисида маълумотлар сақланиб келмоқда. Айни кунларда электрон каталогга янги адабиётлар, нодир фондлар ва бошқа нашрларни киритиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

*Марғилон шаҳри*

**«Ishonch» — болаларга**

***Мен вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги «Иқтидорли болалар» клубининг фаол аъзолариданман. Клубимизда «Ёш қаламкашлар», «Ёш мухбирлар», «Ёш тарғиботчилар» гуруҳлари тузилган. Айниқса, Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига тайёргарлик кетаётган шу кунларда машғулотларимиз янада қизиқарли ва мазмунли ўтмоқда. Устозимиз Зуҳра опа Рўзметова ёрдамида нафақат шеър ёзиш сирларини, балки ёзувчи ва шоирларимиз ҳаёти, ижодини чуқурроқ ўрганишга, маълумотлар тўплашга ҳаракат қилмоқдаман.***

# Бахтимиз ўз қўлимизда

Клубимизда ҳеч бир сана эътиборсиз қолмайди. Гиёҳвандликка қарши курашиш куни ҳам бундан мустасно эмас! Тарғибот гуруҳимиз устозимиздан тегишли топшириқ ва кўрсатмаларни олгач, ишни нимадан бошлаш ҳақида ўзаро келишиб, вазифаларни бўлишиб олдик.

Мен гиёҳвандликка қарши курашишга доир шиорлар ёздим, рассом Машҳура эса шу мавзуда суратлар чизди. Ирода опам маҳалла ёшлари билан ўтказиладиган тадбир сценарийсини тузди, зийрак ва чаққон Омонжон ҳар доимгидек тадбир иштирокчиларини жалб қилишга киришди. Гуруҳимиз раҳбари Ўғилжон опам маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маҳалла нозири билан келишган ҳолда тадбир ўтадиган вақт ва жойни белгилади. Тадбир ҳақидаги эълон ва шиорларни одамлар кўп ўтадиган жойларга илиб қўйдик.

Хонқа туманида жойлашган Навхос қишлоғининг Маданият маҳалласида шундай яхши тадбир бўлдики... Тадбирни мактабимиз майдончасида дарахтлар соясида, гуллар орасида ўтказдик.

Маърузамиздан ўрин олган гиёҳвандлик ҳақидаги маълумотлар, унинг салбий оқибатлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Маърузадан кейин гиёҳвандлик ҳақидаги видеолавҳа намойиш қилинди.

Ирода ва Омонжон ўқиган шеър барчага манзур бўлди. Гуруҳ аъзолари иштирокидаги «Аср вабосига қул бўлманг» мавзуидаги саҳна кўриниши ҳам олқишлар билан кутиб олинди. Тадбирда қатнашган қишлоқ аҳли, мактаб ўқитувчилари бизга ўз миннатдорчилигини билдиришди. Биз эса бошлаган ишимиз хайрли бўлганидан, одамларга фойдамиз текканидан хурсанд бўлдик. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 90 ёшли Жуманиёз отанинг «Илоҳо умрингиздан барака топинг, ўсиб унинг, ҳеч қачон уруш кўрманг, бахтингиз тўкис бўлсин, болаларим» деган дуоси биз учун янаям қимматли бўлди. Шуларни кўриб турган ва ташкилий ишларда бизга яқиндан ёрдам берган синфдошимиз Элдор аста ёнимга келиб, мени ҳам ўзинг билан клубингга олиб бор, шунча нарсани ўрганибсан-ку дўстим, деди.

Ҳа, биз ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз, ёшлигимизни, тинчлигимизни, бахтимизни ўзимиз асраб-авайлайлик, дўстлар! Вақти келиб биз ёзган шиорлар ҳеч кимга керак бўлмасин, луғатимиздан «гиёҳвандлик» деган сўзга ўрин қолмасин!

**Сарварбек ДЎСТНАЗАРОВ,**
**Хонқа туманидаги 23-сонли мактабнинг 7-синф ўқувчиси**

# Мазмунли ҳордиқ

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига қарашли «Тонг» болаларни соғломлаштириш масканида ҳар йилгига нисбатан кенг кўламда таъмирлаш, жиҳозлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Болалар учун дам олиш айвончалари, каруселлар сони кўпайтирилди. Ўғил-қизларнинг маънавий-маърифий тарбиясини янада мустаҳкамлаш учун педагог ходимларни саралашга алоҳида эътибор берилди. Олтиариқ туман халқ таълими бўлими томонидан юқори билим ва тажрибага эга бўлган 15 нафар ўқитувчи оромгоҳга тарбияларча ва етакчи сифатида юборилди.

Дам олиш масканида биринчи босқич давомида 240, иккинчи босқич даврида 280 нафар ўғил-қиз мароқли ва мазмунли ҳордиқ чиқаришди.

Мавсум давомида деярли ҳар куни турли маданий ва спорт тадбирлари ташкил этилди. Жумладан, «Эртаклар — яхшиликка етаклар» китобхонлар конференцияси, «Зулфияхоним издошлари» қизлар-кўрик танлови, «Мустақиллик шуъласи» спартакиада ўйинлари каби тадбирлар жуда қизиқарли ўтди.

**Салимжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ**


# Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси (РКТАСБ) Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ ким ошди савдосига Тошкент шаҳар Сирғали тумани, Саноат ҳудудида жойлашган «IKKILAMCHI QORA METALLAR» давлат унитар корхонасига қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 2007 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси 10 BI 117 бўлган «TOYOTA CAMRI LE» русумли автотранспорт воситаси бошланғич нархи — 35 500 000 сўм.

2. 2007 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси 10 BI 220 бўлган «TOYOTA CAMRI LE» русумли автотранспорт воситаси бошланғич нархи — 36 200 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 30 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайҳонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003


**Оқ йўл, абитуриент — 2011!**

# Оққан дарё ўзанини йўқотмайди

***Қизим олий билим даргоҳларидан бирига ўқишга кириш учун йил бўйи тайёргарлик кўрди. Ҳужжат топшириб, гап топиб келди. «Шпаргалка ишлатса бўлар эмиш, уни фалон пулга (аниқ ечими борини) сотиб олса бўлар экан». «Ўртакаш»лар ёрдам берар экан... яна алланималар... Дунёда фирибгарликнинг тури кўп. Буни ўтган йилларда олий таълим муассасаларига қабул жараёнида содир бўлган ҳолатлар мисолида яхши биламиз.***

*Йигирма йилга яқин вақтдан буён кириш имтиҳонлари тест синови тарзида ўтказилаётганлиги боис ўзининг яхши тайёргарлиги туфайли кўплаб истеъдод соҳиблари, салоҳиятли ёшлар олий мактаб остонасига дадил қадам қўйишаётир. Аммо ҳар йили биринчи август — олий ўқув юртига кирувчилар учун байрам, тантанага айланаётган бир пайтда шпаргалка сотувчи, ўртакаш даллоллар, яна хуфёна иш тутувчиларнинг оёқ остида ўралашиши асабингни бузади. Албатта, бундай «ҳожатбарор»ларнинг пайдо бўлиши ўз-ўзидан эмас. Чунки уларга лаққа ишонувчилар кам бўлса-да, топиладди.*

*Юртимизда ёшларнинг билим эгаллаши ва иқтидорини намоён этиши учун кенг имконият яратилган. Истиқлол шарофати билан қанчадан-қанча истеъдодли, билимга чанқоқ йигит-қизлар тараққий топган мамлакатлардаги олий ўқув юртларида ўқиб, етук мутахассис бўлиб қайтишмоқда. Тараққиёт илгарилаган сари илм-фаннинг нуфузи ортиб бораверади. Илгари жаҳон майдонида давлатларнинг қудрати, салоҳияти, аввало, табиий бойликлари билан ўлчанган бўлса, XXI асрда халқнинг билими, маънавияти, маданияти даражасига қараб баҳо берилмоқда. Ҳар қандай қудрат асосини илм-фан ташкил этмоқда. Президентимизнинг «Куч — билим ва тафаккурда» деган сўзларининг моҳияти ҳам Ўзбекистоннинг ана шу қудрат манбаига эга қилувчи таълим йўлини танлаганлигини ифода этиб турибди.*

*Ҳозирги ёшлар анойи эмас. Улар мустақиллик фарзандлари. Халқаро андозалар даражасида фаолият юритаётган мактаб, лицей ва коллежларни битирган: билимга чанқоқликда, ақл-заковатда ҳеч кимдан кам эмас — Ватанини жаҳон ҳамжамиятида юксакликка кўтаришга қодир.*

*Дарвоқе, ойдин истиқболни танлаган, юрти учун муносиб фарзанд бўлишни дилига туккан ёшларимизга оқ йўл тилайлик. Оққан дарё ўзанини йўқотмайди — оқаверади.*

**Карим НОРМАТОВ**



Insonga naf keltirish — oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Toshev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshiriш vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.30

Buyurtma Г — 711

13652 nusxada bosildi

2345